

Сухда ободончилик ишлари авж олмоқда



Ватан ободлиги - кўнгил ободлигидандир. Айтиш мумкинки, халқимизнинг Ватан тараққиёти йўлидаги интилишлари ўз самарасини бермоқда. Кундан-кунга чирой очиб бораётган туманимизда баъзи бир ҳудудлар борки, ўзгариш, янгиланишларга мўхтож. Мулгон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам шундай гўшалар, тор ва асфалт кўрмаган йўллар мавжуд. Эндиликда саъй-ҳаракат ва эзгу ташаббуслар ила бундай гўшаларга техника етиб келиб, ободонлаштириш ишлари кенг қулоч ёймоқда. Туман ҳокими Фаррух Усаров Мулгон маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, маҳалладаги "Армуғон" ва "Спортчилар" кўчасида истиқомат қиладиган аҳоли билан учрашди. Гузар аҳлининг муаммоларини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, биринчи галдаги масала ушбу ҳудуддаги мавжуд йўлларни ипақага келтириш, шағал ётқизиш, шағал ётқизилган кўчаларни эса, асфалтлашиш зарур. Ҳокимнинг бевосита ташаббуси ва топшириғи асосида мутасаддий идора-корхоналар ўз техникалари билан ушбу ҳудудга етиб келишди ва ободончилик ишлари бошлаб юборилди.



Махсус техника ва мосламалар орқали 400 метр йўл теккисланиб, шағал ётқизилди. Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 150 метр йўллар асфалтланди. Асосийси, бундайин эътибор ва яхши амаллардан халқ миннатдор. Бу муаммо туман ҳокимига оммавий сайёр қабулда ҳам етказилган эди ва ободончилик ишларнинг авж олиши аҳоли мурожаатлари беъэтибор қолмаслигининг далолатидир.



Маълумки, туман мутасаддий идораларнинг сайёр қабуллари ўтказилмоқда ва аниқланган муаммолар эътибор билан бартараф этилаётир. Туман ҳокими Фаррух Усаров ва иккинчи сектор раҳбари, туман прокурори Ф. Абдувалиев билан биргаликда бугун ҳам Мулгон ва Ҳушёр маҳаллаларига ташриф буюришиб, бевосита аҳоли билан учрашди ва амалга оширилаётган ободончилик ишларидан, шунингдек, халқ мурожаати жойида ҳал этилаётганидан бу ҳудуд аҳолиси миннатдорчилик билдиришди. Номлари тилга олинган маҳаллаларда ободончилик ишлари давом этмоқда.



2019-10-16 17:24:53